

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №3**

**Косон шахри**

«**26**» «январ» 2021 йил

«Гайрат» МЧЖ, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ш.Хамраев номидан, бир томондан ва Косон туман МТБ, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи И.Кувондиқов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Жами Микдор	Баҳоси хар бир ўлчов бирлиги учун	Баҳоси	Фойдаланиш (саклаш, яроқлилик муддати)
1	Нон (колипли)	кг	67,80	3000	203 400	
2	Чой (күк)	кг	5,00	34000	170 000	
3	кунгабокар ёғи	литр	6,70	18500	123 950	
4	Товук гушти	кг	7,10	30000	213 000	
5	Пиёз	кг	32,50	1500	48 750	
6	Сабзи	кг	32,50	2500	81 250	
7	Картошка	кг	85,00	4600	391 000	
8	Томат	кг	7,00	17000	119 000	
9	туз	кг	7,00	1200	8 400	
10	Мол гушти	кг	37,50	61000	2 287 500	
11	Карам	кг	32,20	5000	161 000	
12	Рус нухоти	кг	14,00	7000	98 000	
13	Макарон(вермишел)	кг	7,70	7000	53 900	
14	Лавлаги	кг	4,50	3000	13 500	
15	Перловка	кг	5,00	6000	30 000	
<b>х</b>	<b>Жами</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>4 002 650</b>	

1.3. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: « 31 » «январ» 2021 йилгача

**2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **4 002 650**сум (Турт миллион икки мянг олти юз эллик) сўми ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори **1200795** сумни, яъни белгиланган сумманинг **30** фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2021 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **2801855** сўми, яъни, келишилган сумманинг **70** фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (еки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2021 йил « 31 » январгача амалга оширилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
  - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
  - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
  - 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 (уч)кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 3.1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
  - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
  - 3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
  - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
  - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 1(бир) кун ичида сотувчини хабардор қилади.
  - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаб бериш.

**4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта иноватга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тулик коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тулайди:
- 5.2. Товарни тулик топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорда неустойка тулайди.
- 5.3. Сифати буйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди:
- 5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорда жарима тулайди:
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тулик туламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига туланмаган сумманинг 2 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 2 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тулайди.
- 5.6. Неустойкани тулаш тарафларни шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2021 йил «26» январдан 2021 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
  - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
  - Форс-Мажор ҳолатларида

## 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси 3-бандига мувофиқ тегишли тартибда Ҳазначилик бўлинмаларида руйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қонуний кучга кириди ва томонлар ушбу шартнома буйича ўз мажбуриятларини тулик бажариши учун асос ҳисобланиб 2021 йил 31- декабргача амал қилади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан ҳужалик суди тартибида хал қилинади.
- 8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Кашкадарё вилоят Ҳужалик судида хал қилинади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Истеъмолчи»

### «Гайрат» МЧЖ

(ижрочининг номи)

Манзили: Косон т Саноатчилар куч №2

тел\факс: + 998 90 722-11-96

х\р 20 20 80 00 90 03 31 56 40 01

банк номи: «Трастбанк» ХОАББ Карши фил

МФО 01109 ИНН 200 692 661

ИФУТ: 71 150

### Косон туман МТБ

(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили Косон т. Насаф кучаси

тел\факс 592-41-46

ш\хв\* 4007 2286 0102 2970 9110 0251 042

МФО 00014 ИНН: 305 152 883 ИФУТ: 92400

Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Газна х\в 23402000300100001010

Банк: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси

ХККМ МФО: 00014 Ҳазначилик бўлинмаси

СТДН 201122919

Рахбар

Ш.Хамраев  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

ХУКУКШУНОС:

Юристининг хулосаси:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”даги Қонун ва Фуқаролик кодекси талаблари асосида тузилган.

Рахбар

И.Қувондиқов  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

(Бюджет ташкилот ҳуқуқшуносининг Ф.И.О)





Косон туман Мактабгача таълим  
булими мудир И.Кувондиқовга

### ТИЖОРАТ ТАКЛИФИ

Косон туман «Ғайрат» МЧЖ 2022 йил январ ойида  
Сизнинг харидингиз учун озиқ-овқат маҳсулотларини куйидаги  
нарх буйича таклиф килади.

№	Озиқ-овқат маҳсулотларининг номи	Улч. бир.	Сони	Нархи
1	Нон (қолипчи)	кг	1	3000
2	Чой (қук)	кг	1	34000
3	қунгабоқар ёғи	литр	1	18500
4	Товуқ гушти	кг	1	30000
5	Пиёз	кг	1	1500
6	Сабзи	кг	1	2500
7	Картошка	кг	1	4600
8	Томат	кг	1	17000
9	туз	кг	1	1200
10	Мол гушти	кг	1	61000
11	Карам	кг	1	5000
12	Рус нухоти	кг	1	7000
13	Макарон(вермишел)	кг	1	7000
14	Лавлаги	кг	1	3000
15	Перловка	кг	1	6000

«Ғайрат» МЧЖ раҳбари:



Ш.Хамроев

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Oldi-Sotdi shartnomasi.
2. Loyihaning nomi: Sotib oluvchi Koson tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va Sotuvchi "G'AYRAT" MCHJ o'rtasida 2022 yil № 3-sonli shartnoma loyhasiga asosan Tovar (mahsulot) yetkazib berish to'g'risida.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Koson tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 5 yanvardagi tanlov bayoni qarori asosida ishlab chiqilgan va 2022 yil 24 yanvar kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Iqtisodiyot yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni, «Fuqarolik kodeksi» ning shartnomaviy munosabatlarini tartibga soluvchi moddalari va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ-3953-sonli Qarori talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti:**

2022 yil 26 yanvar



**A.U.Gulmurodov**